

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИНСОНПАРАВАРЛАШТИРИШ  
ТАМОЙИЛИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7830714>

**Каримова Феруза Зокировна**

*Oriental universiteti magistranti*

**Аннотация ўзбек тилида:** Уибу мақолада мактабгача таълим тизимида инновацион технологиялар, инсонпарварлаштириши гоялари, болалар фаоллиги, инсонпарварлик педагогикаси ҳақида сўз боради. Шунингдек машгулотларда болалар таълимига инсонпарварлик технологиялари орқали муносабатда бўлиши юқори самарадорликни таъмин этувчи восита ва метод эканлиги ҳақида қатор мазмунли фикрлар баён этилган.

**Аннотация рус тилида**

**Аннотация инглиз тилида:** Калит сўзлар: таълим, мактабгача, бошлангич, инсонпарварлик, технология, инновацион, метод, восита, фаоллик, педагогика.

Узлуксиз таълим тизимининг боскичлари бўлган ва пойдеворини ташкил килувчи мактабгача таълим билан унга энг якин унинг давоми бўлган бошлангич таълим ҳозирги тизимининг сифати самарадорлигини белгилашда асосий ўринни эгаллади. Шу муносабат билан мактабгача ва бошлангич таълим талаблар даражасида бўлиши жиддий аҳамиятга эга. Бунда орасидаги узвийлик узлуксизлик тегишли илмий-методик педагогик-психологик асосларга мувофиқ равишда ўзаро мутаносиб бўлиши зарур.

Таълим соҳасидаги узвийлик тамойили таълим мазмунининг узлуксиз таълим тизими боскичлари, улардаги таълим жараёнининг ҳар бир даврлари буйича муайян изчиллиқда ва мақсадга мувофиқ таксимланиши, узилишларга хамда ортиқча тақрорлашларга йўл қўймаслик, ўкув материали ҳажмини оддийдан мураккабга томон йуналишда тўлдириб, кенгайтириб чукурлаштириб боришни таъминлашдан иборат илмий-педагогик ва методик масалаларни ҳал қилиб боришни назарда тутади.

Шу билан бирга узвийлик таълим технологияларидан фойдаланиш билан ҳам боғлик бўлиб, шу йўналишдаги инновацион ёндашувлардан бири сифатида мактабгача ва бошлангич таълимда тарбияланувчи-ўкувчилар фаоллигини оширишга инновацион ёндашишни таъминлаш бўйича илмий таҳлил ва кузатишларимизнинг фаоллигини айрим натижаларини баён этамиз.

Мактабгача таълимда табиат билан танишув, бошлангич таълимда эса "Атрофимиздаги олам" ҳамда табиатшунослик машғулотлари мазмун ва моҳияти жихатидан умумий максадга эга бўлиб, уларни олиб боришда таълим-тарбиявий мақсадларни болаларнинг ёш психологик хусусиятларига мувофиқ равишида амалга ошириб бориш тамойилига асосланилади.

Ушбу машғулотлар сифати ва самарадорлигининг энг асосий кўрсаткичи тарбияланувчи-ўқувчиларнинг фаолликлари даражаси билан бевосита боғлик эканлигини ҳисобга олган ҳолда улар фаоллигини оширишга қаратилган инновацион технологиялардан айримларини узвийликда кўриб чиқамиз.

Таълим соҳасидаги инновацион технологиялар XX аср бошида таълим жараёнини инсонпарварлаштириш ғояси асосида келиб чиккан. Бунда ўқувчининг ўз ҳоҳиш-истагига қараб, қизиқишлиарни қондириш, ҳар бир болани ҳурмат қилиш, севиш, унинг шахси ривожланиши учун барча шарт- шароитларни яратиш, ўқувчи шахси таълим-тарбия жараёнининг марказида бўлиши масалаларига эътибор қаратилади.

Шу даврда бола шахсига йўналтирилган таълим вужудга келиб, инсонпарварлаштириш педагогикаси номи билан юритила бошланди. Унинг бош ғояси ёки концепцияси ўқувчи шахсини ҳимоя қилиш, унинг хуқук ва эркинликларини таъминлаш, ички имкониятларини очиш ва ривожланиши учун ижодий муҳит яратиб бериш ҳисобланади.

Инсонпарварлаштириш педагогикаси шахсга йўналтирилган таълимдир. Инсонпарварлик педагогикаси ўз тарихига эга бўлиб, унга асос солган ва унинг асосчиларидан бири АҚШлик гуманист олим К.Роджерс (1902-1987 ҳисобланади). Инсонпарварлик педагогикасини инновацион педагогика деб ҳам таърифланади. Унинг асосий моҳияти авторитар педагогикадан воз кечиб, ҳамкорлик ва ҳамижодкорлик педагогикасига ўтиш жараёнидан иборат.

Инновацион педагогика бир катор илмий назариялар тизими бўлиб, уларнинг асосий йўналиши тарбияланувчиларнинг ўқув-тарбия жараёнининг фаол, онгли, тенг хукукли, ўз ички имкониятларига суюнган иштирокчиси бўлишини таъминлашга қаратилганлиги билан характерланади. Инновацион педагогиканинг амалий йўналиши педагогларнинг инновацион фаолиятига асосланади.

Инновацион фаолият педагогик жамоани харакатга келтирувчи олға бошловчи, тараққий эттирувчи, замон билан қадам ташлашга ёрдам берувчи жараёндир. Инновацион фаолият узлуксиз равишда янгиликлар билан ишлашдан иборат бўлиб, у узок вакт давомида шаклланади ва такомиллашиб боради.

Инновацион фаолият педагогнинг Ўз фаолиятидан қониқмаслигидан келиб чиқади. Унинг у ёки бу педагогик вазифани ҳал қилишда қандайдир тўсиққа дуч келиши ва уни муваффақиятли ҳал этишга интилиши асосида юзага келади. Инновацион фаолият янги ғояни излашдан бошланади. Инновацион фаолият педагогнинг муваффақиятини белгиловчи асосий фаолият бўлиб, бу унинг шахсий касбий, педагогик, методик маҳоратини муайян янгилик киритиш асосида ўзгартириш, қайта қуриш демакдир.

Юқорида айтилган таълимни инсонпарварлаштириш, бола шахсига йўналтирилган таълим, инновацион педагогика ва инновацион фаолиятнинг бош мақсади тарбияланувчиларнинг фаоллигини ошириш орқали таълим сифати ва

самарадорлигини оширишга қаратилган. Шунга мувофиқ мактабгача ҳамда бошланғич таълимда табиатни ўрганиш машғулотларининг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашга асосланган инновацион ёндашувлар ҳозирда интерфаол таълим, дидактик ўйинлар, саҳналаштирилган кўринишлар, ўйин-мусобақалар, ролли ўйинлар, тест синови, саёҳат, ким ошди савдоси, бевосита кузатиш, экскурсиялар, ҳалқ ривоятлари, об-хаво даракчилари, зинама-зина, саралаш усуллари, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва бошқаларни ўз ичига олади. Бу усуллардан амалда фойдаланишда аввало улардан машғулотнинг мақсадига ҳамда болаларнинг ёшига ва тайёрлик даражасига мувофиқларини тўғри танлаш зарур. Буни маълум ёшдаги болалар гурухининг муайян турдаги инновацион машғулотда иштирок этиш учун тайёрлигини ташхислаш деб аташ мумкин.

Интерфаол таълим усуллари жуда кўп турли бўлиб, мактабгача таълимда улардан кенг фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Масалан, катта ва тайёрлов гурухларида болаларга расмли карточкалар тарқатиш ва улардаги тасвиirlарни турларга ажратиш бўйича янги билим берадиган ҳамда қизиқарли машғулотлар ташкил қилиш мумкин. Булар: ўсимликлар дараҳтлар, гуллар, ўтлар, сабзавотлар, мевалар ва ш. к.; жониворлар кушлар, баликлар, хашаротлар, уй хайвонлари, ёввойи хайвонлар ва ш. к.: предметлар- мебеллар, ошхона асбоблари, ўкув куроллари, спорт анжомлари ва ш. к.; транспорт автомобиллар, самолётлар, поездлар, кемалар, хаво шари ва ш. к. бўлиши мумкин.

Шунингдек, интерфаол машғулотларда болаларнинг ҳамкорликда ишлаши, бир-бирлари билан мулоқотга киришиши, кичик гурухларда ишлаб топшириклар бажариши каби усуллар албатта ижобий натижалар беради. Масалан, кичик гурухларга бўлиш жараёнининг ўзи болаларда муайян билим, кўниkmаларни шакллантириш имкониятини беради. Бунда тегишли ёш гурухларида рангли коғозчалар. геометрик шакллар; ҳар турли предметлар ёки уларнинг тасвиirlари кўринишлардаги барглари, гуллари, уруғлари, данаклари, мевалари; озик- ўсимликларнинг турлари; кийим-кечаклар: турли касбларга тегишли асбоб- ускуналар ва ш. к. дан фойдаланиш болаларнинг улар хақидаги билимларини оширишга хизмат қиласи. Ушбу билимларни бошланғич синфларда ривожлантириб борилади.

Юқорида айтилган дидактик ўйинлар, саҳналаштирилган кўринишлар кейин мусобақалар, ролли ўйинлар, тест синови, саёҳат, ким ошди савдоси, бевосита кузатиш, экскурсиялар ва бошқа усуллардан, шу билан бирга, ахборот-коммуникацион технологиялардан ҳам болаларнинг ёши, мавжуд билимлари даражасига мос мазмун ва методларда фойдаланиш мактабгача ҳамда бошланғич таълимнинг узвийлигини таъминлаш билан бирга, таълим сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қиласи.

Хулоса килиб айтганда, мактабгача ва бошланғич тарбияланувчи-ўкувчилар фаоллигини оширишга қаратилган инновацион таълимда технологияларнинг узвийлигини таъминлаш узлуксиз таълим тизимининг замонавий даражада

# **PEDAGOG RESPUBLIKA ILMIY JURNALI**

**6 – TOM 4 – SON / 2023 - YIL / 15 - APREL**

ривожланиши учун жиддий ахамиятга эга бўлиб, бу масалаларни илмий-методик ва педагогик-психологик жиҳатлардан ўз вактида ҳал қилиб бориш талаб қилинади.